

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“Қурилиш” факультети

“Архитектура” кафедраси

“Ҳимояга рухсат этилди”

“Архитектура”

кафедраси мудири

доц. Ж.Д.Ахмедов

“ _____ ” _____ 2014 йил

5580100 – “Архитектура” таълим йўналиши бўйича

ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ

Мавзу: Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчасида қурилиши мўлжалланган
супермаркет биноси лойиҳаси

Битирувчи: _____ 14-09 Арх гуруҳ талабаси
(имзо) Тожибоев Иқбол Эргашалиевич

Диплом лойиҳа
иши раҳбари: _____ проф. Й.И.Абдурахмонов (ТАҚИ)
(имзо)

Фарғона – 2014 й.

К И Р И Ш

Жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш сиёсий тизимнинг турли субъектлари ҳаракатида изчиллик бўлишини таъминлаш имконини беради. Давлат бош ислохотчи сифатида ўз вазифасидан фойдаланар экан, ижтимоий манфаатларни пухта ўйлаб, босқичма-босқич, уйғун рўёбга чиқариш мақсадида шакллантирилаётган демократик институтлар ва фуқаролик жамияти элементлари имкониятларини оширишга ҳар жиҳатдан кўмак бермоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа социал алоқалар мақбул тарзда амал қилинишини йўлга қўйишга барча чоралар билан ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар заминида мамлакат аҳолисини турмуш даражасини юксалтириш, муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш ва реал даромадларини ошириш масаласи ётади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тобора юксалиб бораётган аҳолининг ижтимоий, маданий-маърифий ва санъат соҳаларидаги эҳтиёжаларини тўлароқ қондириш мақсадида минтақаларда замонавий, кўркам ва янги ечимларга эга бўлган иншоотларни барпо этиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон шаҳарлари ривожланишининг ҳозирги босқичи бир қатор долзарб муаммоларни илгари сурмоқда. Булар замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, бино ва иншоотларнинг функционал-режавий архитектура-бадий қурилишини такомиллаштириш, шаҳар худудидан унумли фойдаланишдан иборат.

Меъморларнинг кўпчилиги турли минтақалар хусусиятларини ҳисобга олиб, айниқса, кўҳна шаҳарларнинг тарихий қисмларини таъмирлашда махсус лойиҳалар бунёд этдилар. Шунинг эътирофи сифатида керакки, меъморларимиз кейинги йилларда яратган бир қатор бинолар фойдаланиш учун қулай, соз ва кўркамлиги, бадий жиҳатдан хилма-хиллиги билан илгари бир қолипда қурилган кўримсизликка ва бир хил нусхадалиikka чек қўймоқда.

Замонавий бинолар янада қулайроқ, конструкциясини зилзилага

чидамли қилиш, бинолар атрофини боғ-роғлар, кўкаламзорлар, ариқлар воситаси билан ободонлаштириш каби бир қатор муаммоларни ечиш меъморларимиз зиммасидаги энг масъулиятли ва долзарб вазифалардан биридир.

2013 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этиш мумкин. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, модернизациялаш ва янгиланиш бевосита қурилиш тармоғини жадал риволанишида ҳам намоён бўлмоқда. Ўтган даврда асосий инвестицион харажатлар ўзлаштирилган қурилиш объектлари Президентимиз И.А.Каримовнинг 2013 йил якунларига бағишланган маърузасида ўз ифодасини топган.

Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

Шундай лойиҳалардан бири Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббулари билан Тошкент-Андижон йўналиши бўйича темир йўл қатновининг қурилиши бошланганига унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, у ерда олиб борилаётган қурилиш ишлари жадал суратда олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда жуда кўплаб қурувчи-инженерлар, техникалар билан бирга биз каби ёш меъморларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир. Албатта, ушбу темир йўл қатнови Водий аҳолисини пойтахтимиз Тошкент билан боғлайди, аҳоли турмуш тарзини енгиллаштиради.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида бугунги кунга келиб янги замонавий бино ва иншоотлар қурилмоқда. Шулар жумласидан Фарғона шаҳрида ҳам кўплаб қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан маданий марказлар, боғлар ва янги типдаги замонавий жамоат бинолари қурилмоқда. Ҳозирда: 200 ўринли санъат саройи, 20000 ўринли стадион, сузиш ҳавзалари ва бир қатор кўплаб иморатлар барпо этилди.

Менинг диплом лойиҳа ишимда Марғилон шаҳар Б.Марғилоний

кўчасида қурилиши мўлжалланган супермаркет биноси лойиҳаси кўзда тутилган бўлиб, ушбу супермаркет биноси нафақат савдо-сотиқ орқали, балки болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли кўнгил очар ўйин ва тадбирлар ўтказиш мумкинлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки супермаркет бинолари аҳолига ва шаҳар меҳмонларига юқори даражада хизмат кўрсатиши, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсонларга сифатли маҳсулот ва хом ашёларни таклиф қилади.

Мен лойиҳалаган ушбу супермаркет биноси инсонларнинг маданий дам олишни ташкил қилишга шароит яратиб беради. Бу ерда турли – туман ҳордиқ чиқарувчи кўнгилочар майдончаларнинг борлиги, юқори савияда хизмат кўрсатиши, санитар – гигиена шароитининг яхшилиги эътиборга молик жихартлардан бири саналади. Ҳозирги кунда Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида мавжуд супермаркет биноларининг борлиги қувонарли ҳол , лекин менинг лойиҳа ишимда кўзда тутилган кўнгил очар хоналар ва майдончалар билан бирга лойиҳаланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Мазкур диплом лойиҳа ишимнинг вазифалари: архитектура-лойиҳа ишларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш; объект жойлашган ҳудудни ўрганиш, аниқлаш ва баҳолаш; мавжуд лойиҳалар бўйича миллий ва хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш; лойиҳа эскизини тайёрлаш; лойиҳаланаётган объектнинг қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқиш; объектни техник-иқтисодий асослаш; лойиҳани амалга оширишда меҳнат муҳофазасини таъминлаш чора-тадбирларини тавсия этиш; лойиҳани амалга ошириш юзасидан ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Президентимиз томонидан 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, юртимиздаги келажаги бўлган болаларга ва албатта, биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор деб биламан.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, биз ёшларга билдирилаётган ишонч зиммамизга улкан вазифаларни юкламоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ёшларимиз биздан кўра ақлли, доно ва албатта бахтли

бўлишлари шарт”, деб айтган чақириқларига муносиб жавоб қайтаришимиз
ЛОЗИМ.

“АРХИТЕКТУРА” бўлими

Бошланғич маълумотлар

Лойихаланаётган диплом лойиҳа ишим Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчасида қурилиши мўлжалланаётган супермаркет биноси лойиҳаси бўлиб, ушбу бино шаҳар марказида мавжуд бўлган супермаркетлардан тубдан фарқ қилади. Ушбу супермаркет биноси нафақат савдо-сотиқ орқали, балки болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли кўнгил очар ўйин ва тадбирлар ўтказиш мумкинлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки супермаркет бинолари аҳолига ва шаҳар меҳмонларига юқори даражада хизмат кўрсатиши, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсонларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини, ҳамда кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини таклиф қилади. Мен лойиҳалаган ушбу супермаркет биноси инсонларнинг маданий дам олишни ташкил қилишга шaroит яратиб беради. Бу ерда турли – туман ҳордиқ чиқарувчи кўнгилочар майдончаларнинг борлиги, юқори савияда хизмат кўрсатиши, санитар – гигиена шарoитининг яхшилиги эътиборга молик жихатлардан бири саналади.

Бугунги кун талаби ҳалқимиз учун энг зарур бўлган маданий-маиший ҳамда маърифий объектларни кўплаб қуришни тақозо этмоқда. Шу билан бирга уларнинг қад кўтаришида аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларини янада яхшилашни ҳам талаб этади. Шаҳар марказларидаги қўшма ҳолатдаги кўп функцияли биноларнинг шаҳарда мавжуд бўлган аҳоли яшаш жойларида ва туманларида шаклланиб бориши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Кўп функцияли, универсал супермаркетлар ва шунингдек маданий-маърифий марказларни бирлаштирувчи турли хил вазифани бажаришга мўлжалланган объектларнинг яратилиши уларга бўлган самарадорликни янада оширади. Мен лойиҳалаётган супермаркет биноси кўп функцияли бўлганлиги сабабли ушбу бинони маданий – маърифий марказлар қаторига ҳам қўшиш мумкин. Чунки, маданий – маърифий марказларнинг энг асосий таркибий қисмларидан бўлмиш кинотеатр ва клублар ҳамма жойларда ҳам оммавий тус олган бўлиб, маданий ҳордиқ чиқаришда ёшу-каттага бирдек

хизмат кўрсатади. Шаҳар ва қишлоқ жойларида бундай маданий – маърифий марказларнинг бўлиши ҳамма томондан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолиси жадал суратлар билан ошиб бораётганлиги сабабли лойиҳаланаётган бино ҳар жихатдан замон талабларига жавоб берадиган, қулай жойда жойлашган, ҳажм жихатидан каттароқ ва кенгроқ, баландроқ ва ёруғроқ бўлиши лозим. Қуйида шаҳар иқлими, релефи, қиш ва ёз ойларидаги ўртача ҳарорат ва бошқаларни келтириб ўтамиз.

Марғилон шаҳрининг иқлими - континентал, майдон релефи - текис. Қиш ойларида ўртача ҳарорат -3°C дан жуда совуқ бўлса, -28°C гача бўлади. Қор доимий ёғади, ёзи иссиқ ўртача 30°C ошиғи билан $40-42^{\circ}\text{C}$, куз ва баҳорда шамоллар бўлади, ёзда эса гаримсел шамоли бўлиб туради. Баҳор ва кузда $20-25\text{ м/с}$ тезликда ёмғир ёғади, момақалдироқ ҳам кузатилади. Йиллик ёғин $250-400\text{ мм}$ бўлади.

Қурилишнинг асосий характеристикалари:

Майдоннинг зилзилабардошлиги - 8 балл

Замин грунтларининг чўкувчанлик тури - II

Грунт сувларининг агрессивлиги - сульфатли, портландцемент билан шлакопортландцемент аралашмали бетонларга кучли агрессив, темирбетон конструкцияларга эса кучсиз агрессив.

Қор қатлами - 70 кг/м^2

Шамол босим тезлиги - 45 кг/м^2 .

Грунтнинг музлаш чуқурлиги - 60 см.

Лойиҳа ҳаракатдаги ҚМҚ талаблари асосида ишланган.

Хажмий - режавий ечимлар


Бино режаси мураккаб шаклга эга бўлиб, унинг ўлчамлари 1-13 ўқлар орасидаги масофа 102.5 метрни, А-М ўқлар орасидаги масофа ҳам 102.5 метрни ташкил этади. Бино узунлиги 60 метрдан ошганлиги сабабли (майдоннинг зилзилабардошлиги - 8 балл) 2 - ва 3 – ўқлар орасида ҳамда, В - ва С ўқлар орасида сейсмик чоклар (500 мм.) кўзда тутилган. Бино сокол

қават билан қўшиб ҳисоблаганда 4 қаватдан иборат. Бинонинг сокол қавати баландлиги 3.0 метрни, 1-қават баландлиги 4.2 метрни, 2- ва 3-қаватлар баландлиги эса 3.6 метрни ташкил этади. Бинонинг умумий баландлиги 19.50 метрдан иборат.

Бош режа

Бош режада бино шимоли – шарқий томонга қараб жойлаштирилган. Супермаркет биноси лойиҳаланиладиган жойни танлаш ва унинг принципал архитектуравий — фазовий схемаси, шаҳар транспорт боғланишларининг умумий (йўналиш ривожланиши, ҳаводан қабул қилиш имкониятлари ва бошқалар), бош режа ривожланиши асосидаги мавжуд ёки лойиҳаланаётган транспорт ҳолатини инобатга олган ҳолда, шунингдек, шаҳар қурилиши ва табиий шароитлари билан уйғунлашуви асосида аниқланди.

Бинонинг бош режаси



1-расм

Супермаркет биноси шаҳардан чекка бўлмаган жойга лойиҳаланилади. Бино майдони атрофлама кўкаламзорлаштирилган. Ушбу кўп функционал бинога ташриф буюрувчилар учун барча шароитлар жумладан: автомобиллар

тўхташ ва тўхтаб туриш жойлари, ногиронлар учун махсус лифтлар ва бошқалар назарда тутилган.

Бинонинг таснифи

Тархнинг конфигурацияси - мураккаб шаклда

Бинонинг қаватлари сони - 4 қават:1-2-3- ва сокол қаватдан иборат.

Қават баландлиги - 3.6 м.

Устунлар тўри - 6.0 х 6.0 м.

Бинонинг капиталлик бўйича классификацияси - II

Ёнғинга чидамлилиқ даражаси - II

Ташқи деворлар - ғиштли, юк кўтарувчи.

Томлар - икки нишабли, ташқи умумлаштирилган сувни ташқарига кетказиш усулида.

Лойиҳаланаётган бинога қўйиладиган талаб шундан иборатки, лойиҳа функционал талабларга жавоб бериши керак. Бу лойиҳалаштириладиган жамоат биносида келувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Бино мустаҳкамлик, устиворлик, узоқ муддатга чидамлилиқ, сифат талабларига юқори даражада жавоб беради.

Узоқ муддатга чидамлилиги бўйича – II гуруҳга киради.

Бинода санитария меъёрлари, хоналарни шамоллатиш масалалари кўзда тутилган. Лойиҳада ёнғинга қарши барча чоралар кўрилган. Супермаркет биносида ёнғин ҳавфсизлигини тامينлаш мақсадида тез ёнувчан қурилиш материаллари ва конструкциялари фойдаланилмаган.

Бино хоналарининг таснифи

1-жадвал

№	Номланиши	Майдони, м²
Сокол қавати		
1	Техник хизмат хонаси	40,0
2	Юкловчилар хонаси	25,8
3	Кладова	25,8
4	Ходимлар хонаси	32,0
5	Маҳсулотлар омбори	1336,07
6	Қоровулхона	36,0

1-жадвал давоми		
7	Автомобил қўйиш жойи	1700,0
8	Кладовка	16,82
9	Кладовка	16,82
10	Техник хизмат хонаси	16,82
11	Қўшимча хона	16,82
12	Мехмонлар учун хожатхона	36,0
13	Зина тўри ва лифт	36,0
14	Зина тўри	14,0
15	Кладовка	33,06
16	Сутли маҳсулотларни сақлаш хонаси	16,82
17	Сабзавотларни сақлаш хонаси	16,82
18	Сабзавотларни сақлаш хонаси	16,82
19	Маваларни сақлаш хонаси	16,82
20	Гўшт маҳсулотларини сақлаш хонаси	36,0
21	Нон ва нон маҳсулотларини сақлаш хонаси	16,82
22	Кладовка	16,82
23	Кладовка	16,82
24	Чиқиндилар учун хона	16,82
25	Ходимлар хонаси	16,82
26	Ходимлар гардероби	16,82
27	Ишчи-хизматчилар гардероби	16,82
28	Чиқиндилар учун хона	9,0
29	Гўшт маҳсулотларини майдалаш хонаси	9,0
30	Маҳсулотларни қадоқлаш хонаси	9,0
31	Қўшимча ёрдамчи хона	9,0
32	Кладовка	9,0
33	Кладовка	9,0
34	Маҳсулотларни вақтинча сақлаш хонаси	9,0
35	Юклаш майдончаси	48,0
1-қават		
1	Кириш қисми	72,0
2	Атрюм	1000,0
3	Ўқув куруллари дўкони	24,6
4	Юмшоқ ўйинчоклар дўкони	39,6
5	Заргарлик буюмлари дўкони	39,6
6	Оналар ва болалар майдончаси	57,0
7	Ходимлар хонаси	24,6
8	Дорихона	39,6
9	CD, MP3, MP4 дисклар дўкони	39,6
10	Китоб дўкони	57,0
11	Дўконлар	3479,84
12	Мехмонлар учун хожатхона	36,0

1-жадвал давоми		
13	Зина тўри ва лифт	36,0
14	Зина тўри	14,0
15	Эскалатор	36,0
16	Ресторан	370,8
17	Иссиқ хона	75,0
18	Идиш-товоқлар ювиш жойи	16,24
19	Қадоқлаш цехи	16,24
20	Ошхонага тегишли хона	8,25
21	Хизмат кўрсатиш хонаси	8,25
22	Ходимлар гардероби	8,4
23	Совутиш камералари	8,4
24	Гўшт ва балиқ маҳсулотларини сақлаш хонаси	8,4
25	Омборхона	8,4
26	Директор хонаси	8,4
27	Ходимлар хонаси	8,4
28	Ходимлар гардероби	8,4
29	Кир ювиш хонаси	8,4
30	Идора хонаси	8,25
31	Дўкон	760,0
32	Гардероб	12,58
33	Ходимлар хонаси	10,73
34	Директор хонаси	10,73
35	Ҳисобхона	10,73
36	Омборхона	10,73
37	Ходимлар учун хожатхона	7,04
38	Юклаш хонаси	36,0
39	Эвакуация зинаси	16,0
40	Атрюм	1000,0
41	Кафе	162,0
42	Ёзги ва қишги кийимлар дўкони	272,4
43	Оналар ва болалар учун пояфзал дўкони	588,0
44	Кийим алмаштириш дўкони	22,2
45	Ходимлар хонаси	27,75
46	Омборхона	62,76
47	Ғазна	33,6
48	Офис	210,24
49	Қоровулхона	16,82
50	Хужжатлар сақлаш сейфи	32,48
51	Омборхона	32,48
52	Ходимлар учун душ хонаси	18,56
53	Дам олиш хонаси	36,0
54	Қабулхона	18,0

1-жадвал давоми		
55	Директор хонаси	54,0
56	Мажлислар зали	54,0
57	Директор ўринбосари хонаси	36,0
58	Ходимлар гардероби	36,0
59	Турли моллар дўкони	525,0
60	Бовлинг	719,12
61	Кафе	140,4
62	Таом тайёрлаш хонаси	36,0
63	Ғазна	14,0
64	3D кинотеатри	324,0
65	Омборхона	36,0
66	Техник ёрдам кўрсатиш хонаси	72,0
67	5D кинотеатри	92,0
68	Меҳмонлар учун хожатхона	36,0
69	Кинотеатр бари	87,72
70	Автоматлаштирилган ўйинлар майдони	612,0
71	Ғазна	10,53
72	Билярдхона	108,0
73	Интернет кафе	108,0

Техник - иқтисодий кўрсаткичлар

Бинонинг умумий майдони - 7410,25 м²

Бинонинг ишчи майдони - 15788,3 м²

Бинонинг қурилиш ҳажми - 144499,8 м³

Ўз лойихамда замонавий материаллар ва замонавий конструктив схемаларни қўллаш орқали унга қулайлилик, ажойиб кўриниш киритишга ҳаракат қилдим.

“ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ” бўлими

Лойиҳаланаётган бинода ҳамма қаватлар бир-бири билан зилзилага қарши чоклар билан ажратилган. Устунлар, қаватлараро ёпма ва бикрлик диафрагмаси биргаликда ишлаб бинонинг фазовий мустаҳкамлигини таъминлайди. Устунлар 8 баллик зилзилага ҳисобланади. Бино каркасли бўлиб, каркас-рамали боғловчили схемадан иборат. Каркас, қаватлараро ёпма ва бикрлик диафрагмаси биргаликда ишлаб бинонинг фазовий мустаҳкамлигини таъминлайди. Каркас конструкциялари 8 баллик зилзилага ҳисобланади. Устунларнинг кўндаланг ва бўйлама йўналишдаги қадамлари ўлчами 6,0 х 6,0 м ва баландлиги иккинчи қаватгача 4,2 м. Ҳамма кўндаланг ва бўйлама йўналишдаги рамалар қаттиқ тугунли қилиб қабул қилинган. Бинонинг каркаси зўриқишлар таъсирида бино пойдеворида нотекис чўкишлар ҳосил бўлишига ҳисобланмаган. Каркасни монтаж қилиш “Монтажли тугунлар” кўрсатмаларига асосан тайёрланади. Монтаж тугунларини лойиҳа кўрсатмаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда бажариш керак. Ёпма ва қаватлараро ёпмаларда қаттиқ горизонтал дисклар пайдо бўлишига эътибор берган ҳолда, қаватлараро ёпмалар элементлари ораларидаги чокларни алоҳида эътибор билан беркитиш лозим. Қурилиш монтаж ишларини СНиП- III-4-80 ҳавфсизлик техникасига қаттиқ риоя қилган ҳолда бажариш керак.

Пойдеворлар. Ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг хусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсир этади.

Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиладиган ҳамда, шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади.


Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантини

техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианты қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совукка ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиниши керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак.

Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан тутшиб турувчи остки сирт (остки текисли). Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлалли) пойдеворлар бўлади. Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозиқли пойдеворлар бўлади.

Фундамент ФМЗ-1-2-3

2-расм



Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айни бир пайтда пойдевор заминидаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир.

Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади. Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз хажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдорига, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади.

Агар грунт кўпчийдиган (ҳажми кенгайдиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлаганда кенгайди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади. Жамоат биноларининг устунлари остига қўйиладиган пойдеворларига сарф бўладиган бетон, умумий сарфланадиган бетоннинг 20 - 35 % ини ташкил қилади, уларни яратиш нархи эса тўлиқ бинога кетадиган қийматнинг 5 - 20 % и ни ташкил этади.

Лойиҳаланаётган бино пойдеворлари йиғма темир-бетонли, серияси ИИС-04-1 вып.4, қовурғали плиталари В20 классли бетондан тайёрланган. Бино контури бўйлаб пойдевор тўсинлари ўрнатилади. Бу тўсинлар устунлар орқали тушаётган зўриқишларни қабул қилиб, пойдевор билан биргалакда ишлашни таъминлайди. Устун В20 классли бетон билан пойдевор стаканига бикир маҳкамланади.

Пойдеворларнинг чуқурлиги 1,500м.дан иборат бўлиб, грунтнинг музлаш чуқурлигидан ошиб кетади, бу ҳудуддаги қурилиш учун грунтнинг музлаш чуқурлиги 60 см. ни ташкил қилади. Бинонинг цоколи ер сатҳидан 30 см. чиқиб туради ва цоколга гидрофоб цементли раствор билан қизил

мармар плиткалар қопланади. Бу плиткалар бинога бадий-тасвирий шакл беради. Бинонинг бутун периметри бўйича пойдеворни қор, ёмғир сувларидан сақлаш учун кенглиги 1000 мм, қиялиги $1 = 0,003$ бўлган отмостка қилинади.

Устунлар. Устунлар йиғма темир – бетондан бўлиб, қирқими 400х600 мм ва 400х400 мм, серияси ИИС-04 бўйича қабул қилинган. Монтаж қилишдан аввал устунни ён томонлари ифлослари металл чўткалар билан тозаланади. Устунлар қирқимда 8400мм, 8400мм қабул қилинган. Устун юқорисидан, пастидан чиқариб қордирилган арматуралар, ҳамда хомутлар орқали монтаж қилиб пайвандланади. Устунларни пайвандланган жойлари В25 классли майда тўлдиргичлардан иборат оғир бетонлар билан беркитилади.

Сейсмик чок 0.5м ни ташкил этади. 8 баллик ҳудуд учун йиғма темир – бетон каркасли бино узунлиги 60 метрдан ўтиб кетадиган бўлса, сейсмик чок қўйилади. Лойиҳаланаётган бинода ўлчами 8.4х0.4х0.6 м ли колонналар сони 102 та. Бу колонналар учун А Ø30ли арматуралар ишлатилган.

Тўсинлар. Диплом лойиҳа ишида 1.020-1-2с 3-1 серияси бўйича, узунлиги 6,0 м бўлган йиғма темир – бетон балкалар қабул қилинган. Каркас рамаси ва балкаси бирикаётган тугунлари кўндаланг йўналишда ёйсимон пайвандланади ва анкер болти билан маҳкамланади. Балкаларни пастки чиқган жойлари бурчаклилар ёрдамида колоннага ваннали пайвандланади. Ваннали пайвандлаш қаватлараро ёпма панелларини ригелларга таянганидан кейин қилинади. Балкаларни лойиҳавий ҳолатига ўрнатгунча юқориги таянч зонаси оралиғига ёпиқ хомутли талаб қилинадиган таянч арматураси ўрнатилиб, вақтинчалик 2 жойидан боғлаб қўйилади. Балкалар билан колонналарни бирикаётган тугунлари В25 классли майда тўлдиргичлардан иборат оғир бетонлар билан беркитилади.

Деворлар. Девор конструкцияларини танлаш, биноларни лойиҳалашда энг асосий масалалардан биридир, чунки деворларнинг қиймати, бутун бино қийматининг муҳим қисмини ташкил этади. Бинонинг мустаҳкамлиги ва

устиворлиги: юклар турига, материаллар сифатига, деворларнинг бошқа конструкциялар билан боғланиш системасига, бинонинг яратилиш ва эксплуатация қилиш шарт – шароитларига боғлиқ. Супермаркет биносининг тўсиб турувчи ва юк кўтарувчи конструкциялари сифатида ғиштли деворлар қўлланилган.

Ғиштли деворлар қалинлиги 380 мм. бўлиб, ғиштин теримлар штукатуркалар билан сувоқ қилинади, ҳамда фасадда ишлатиладиган бўёқлар билан бўялади. Фасадни бўяш ишлари фақатгина декоратив мақсадларда эмас, балки бинонинг узок муддатлилигини ҳам оширади, чунки ташқи ҳаво муҳити агрессив бўлганда, бўёқнинг плёнкаси девор сиртини ташқи муҳит таъсирларидан сақлайди. Йирик панелли уйсозликнинг юкори даражада индустрлаштириш имкониятлари катта бўлганлиги туфайли бинокорликнинг бу услуби сейсмик ва носейсмик районларда кенг кўламда қўлланилмоқда. Бино вазнининг енгиллиги (ғишт деворларга нисбатан 1,2 - 2 баравар енгил), девор материалининг мустаҳкамлиги, юккўтарувчи конструкцияларнинг соддалиги ва уларни планда бир меъёрда тарқалганлиги каби афзалликлари уларнинг сейсмик зоналарда жадал суръатлар билан кириб келишига кенг йўл очиб берди.

Пойдеворларнинг чуқурлиги носейсмик районлардаги каби олинади. Юк кўтарувчи деворлар остида қуйма лентасимон пойдеворлар ишлатилган. Бинонинг остки деворлари пойдевор ёки сокол деворларидан чиқиб турган арматураларга маҳкамланади. Агар пойдевор йиғма бўлса, девор остига монолит темир - бетондан ёстик ишланади. Агар ертўла бўлмаса, йиғма бетон блоклар устига 100 мм. қалинликда ётқизилган темир бетон камар ёрдамида бир - бирига боғланади. Камар устига ташқи ва ички деворлар ўрнатилади, чиқариб қолдирилган арматуралар кавшарланади, сўнг 200 маркали бетон билан яхлитланади.

Замонавий индустриал шаҳарлар ҳавосида бўёқ беришга нисбатан агрессив аралашмалар (примеси) кўп. Ёмғир сувлари, шамол ва ҳароратнинг ўзгариши таъсирларининг қўшилмасидан бундай аралашмалар агрессивлиги

бирданига кучаяди ва бўёқ узоқ муддатга етмайдиган бўлиб қолади., шунинг учун фасадларни кўпга чидамли бўёқлар билан таъмирлаб туриш лозим. Бинонинг фақат маълум бир қисмиларигина тўлиқ витраж билан тўсилган.

Пардадеворлар. Ушбу лойиҳаланаётган бинода ғиштли пардадеворлар ишлатилган. Бундай пардеворлар зичлиги 1800 кг/м^3 бўлган ғиштлардан тайёрланган. Бинода ишлатилган пардеворларнинг қалинлиги 250 мм. Бинонинг ички деворларига ҳам асосан ўз оғирлигидан бошқа юк тушмайди. Деворлар хоналарни бир-биридан ажратиб туради. Деворлар қалинлиги хоналарнинг турига қараб 0.5, 1.0, 1.5 ғишт қилиб урилган. Масалан: СУ ва омборхона орасидаги деворқалинлиги 1.0 ғишт қилиб урилган.

Пардеворлар куриш олдидан қуйидаги ишлар бажарилади: пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади; пардевор асоси қоришма қуйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади; андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатилади.

Пардеворнинг остки қисмини заҳдан ҳимоялаш учун бу ерга эни 280 мм келадиган рубероид ётқизилади. Режа тахта ўрнатилиб, режа ип тортилгандан кейин биринчи қатор ғиштлири ўрнатилади. Пардеворнинг шипга туташган жойидаги ораликқа гипс қоришмасига ботирилган лос тикилади.

Қаватлараро ёпмалар. Қаватлараро ёпмалар ички юк кўтарувчи ва тўсиб турувчи горизонтал конструкциялар бўлиб, бинонинг баландлиги бўйича қаватларга бўлиб турадилар. Қаватлараро ёпмалар ўзининг хусусий оғирлигини, вертикал тўсиб турувчи конструкциялар юкини, ундан ташқари, доимий ва вақтинчалик юкларини кўтариб бу юкларни бинонинг юк кўтарувчи деворига ёки тўсин орқали устунга узатиб беради. Қаватлараро ёпмалар овоз изоляцияси ва иссиқлик изоляцияларини таъминлайди, ҳамда қаттиқлик ва мустаҳкамлик талабларига жавоб беради. Қаватлараро ёпмалар муҳимлиги, конструктив тузулишининг мураккаблиги ва нархига кўра бино деворлари каби муҳим ва маъсулиятли конструкция ҳисобланади.

Қаватлараро ёпмалар умумий бино нархининг 20 % , сарфланган меҳнат миқдори 25% ни ташкил қилади.

Қаватлараро ёпмалар жойлашиш ўрнига кўра:

- а) қаватлараро ёпмалар;
- б) чордоқдан ажралиб турувчи ёпмалар;
- в) ертўла қаватидан ажратиб турувчи ёпмаларга бўлинади.

Акустик хусусиятларига кўра:

- а) акустик бир таркибли;
- б) акустик кўп таркибли.

Конструктив турига кўра:

- а) тўсинли;
- б) йиғма темир- бетон панеллардан қилинган;
- в) яхлит темир-бетон;
- г) тўсинсиз ёпмалар.

Статик ишига кўра ёпмалар асосан эгилишга ишлайди. Қаватлараро ёпмаларнинг эгилиш чегараси, ёпма узунлигининг $1/200$ - $1/400$ дан ортмаслиги керак.

Ёпмаларга таъсир этувчи кучлар ёпмаларнинг конструктив турини танлашда асосий омил ҳисобланади. Энг оммавий ҳисобланадиган қаватлараро ёпмалар тури кўпбўшлиқли плиталардир. Бу турдаги плиталар унификацияланган ва индустриал бўлиб, саноат фукаро бинолари қаватлараро ёпмаларининг асосий хили ҳисобланади. Қаватлараро ёпмаларнинг темир - бетон балкали тури ҳам кенг тарқалган.

Сейсмик мустаҳкам биноларнинг ёпма панеллари хона ўлчамида ясалиб, тўрттала қирраси билан деворга тиралиши лозим. Ёпма панеллар яхлит ёки ғовакли плиталардан тайёрланади. Ёндош ёпмалар ва деворлар билан боғланиши осон бўлганидан яхлит плиталар энг яхши конструкция ҳисобланади. Агарда ёпма алоҳида элементлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда элементлар мустаҳкам бирикиб, сейсмик кучларни тақсим қила оладиган, бикир горизонтал диск ҳосил қилиши керак. Бунинг учун панель

чеккаларида ўйиқлар ва очик арматуралар қолдирилади. Арматуралар қўшни элемент арматуралари билан кавшарланади, сўнг ўйиқлар бетон билан қопланади. Натижада ҳосил бўлган шпонка туташ панелларнинг ўзаро силжишига ва узилишига қаршилик кўрсатади.

Яхлит ёпма плиталарнинг тиралиш юзаси девор панелларининг қалинлигига боғлиқ. Панель қалинлиги 12, 14 ва 16 см бўлса, тиралиш масофаси камида 56 см олинади. Ёпма панеллар девор панеллари устига тўшалган, маркаси 100 дан ортиқ бўлган цемент қоришма қатламига ўрнатилади. Бу юқори қават элементларининг оғирлигини остки қават деворларига барча тиралиш юзалари бўйича бир меъёрга узатилишини таъминлайди.

Йиғма темир – бетон қаватлараро ёпмалар ёндош биноларнинг темир – бетон каркаслари бўлган қисмларида ишлатилади. Улар заводларда тайёрланадиган тор узун ғовакли қаватлараро ёпмалар кўринишида бўлади ва бўйлама прогонларга зич қилиб таянтиради.


Плиталарнинг узунлиги 5860 мм, кенлиги 1190 мм ва 990, қалинлиги 220мм дир. Плиталар асосий тўсинларга 130 мм масофада таянтеририлиб, қўшни плита ва деворлар билан анкерлар ёрдамида боғланади. Плита орасидаги чоклар цемент қоришмалари билан зичлаб тўлдирилади.

Поллар. Бино сокол қаватида: юклаш хонаси, омборхоналар, совутиш камералари, 1-қаватда савдо заллари ва магазинлари, дорихона, тамбур, хол, йўлаклар, санузеллар зина ва зина майдонлари, ошхоналар поли керамик плитка билан босилган.

2-қаватда эса кафе-бар, қишки ва ёзги кийимлар сотиш дўкони, кийим алмаштириш хонаси, ғазна, қоровул хонаси, хужжатлар сақлаш сейфи, дам олиш хонаси, мажлислар зали, директор хонаси, директор ўринбосари хонаси; 3-қаватда турли моллар дўкони, бовлинг, кафе-бар, 3D кинотеатр хонаси, ғазна, техник хизмат хонаси, 5D кинотеатр хонаси, билирд ўйнаш хоналари ва бошқа шу каби хоналарнинг полларига паркет қилиниши лойиҳада кўзда тутилган.


Бинонинг пол элементларидан лавҳалар

3-расм



1. Керамик плитка.
2. Қуйма цемент-қумли қоришма М – 150.
3. Цемент-қум қоришмали тўшама М – 150 $t=20\text{мм}$.
4. Гидроизоляйия – 2 қаватли.
5. Темир-бетон плитаси.

4-расм



1. Паркет.
2. Елим қоплама
3. Енгил бетон тўшама $t=20\text{мм}$.
4. Товушдан ҳимоя қатлами ГОСТ 4598-86.
5. Темир-бетон плитаси.

Зиналар. Зина марши, майдончаси ва поғонаси 1.050. 1-2 вып.1. серияси бўйича қабул қилинган. Зина тўсиқлари 1.050.1-2 вып 2 серияси бўйича қабул қилинган.

Қават баландлиги: $H=3600\text{мм}$

Зинапоя ўлчамлари: $150\times300\text{мм}$

Маршнинг эни: $B=2500\text{ мм}$

Бир маршнинг баландлиги: $h_1=2250\text{мм}$ $h_2=2100\text{мм}$

Бир маршдаги зинапоялар сони: $n_1=2250:150=15$ $n_2=2100:150=14$


График шаклда Зинапоялар энининг сони (n) баландлигининг сонига нисбатан 1 та кам, чунки марш тепасидаги зинапоя эни майдончаси билан бир текисликда ётади.

Деразалар. Деразаларнинг деярли ҳаммаси металл профиллардан иборат. Витражлар бир-бирлари билан герметик ёрдамида ўзаро бириктирилган. Витраж – шишадан ясалган декоратив композиция. Готика соборларида интерьер деразаларда рангли витражлар ёруғликни турли рангларда товлантирган. Замонавий архитектурада “витраж” сўзи бино тарзининг шиша билан тўлиқ қопланишини англатади.

Эшиклар. Ташқари эшиклар 2 табақали қилиб лойиҳаланган. Эшиклар сифатли алюмин профиллардан тайёрланган. Асосий кириш эшигининг баландлиги 2500мм, эни 2000мм. Бинонинг орқа тарафига чиқиш эшигининг баландлиги 2100мм, эни 1500мм. Ички эшиклар 1 ва 2 табақали қилиб лойиҳаланган. Эшик баландлиги 2100 мм, эни 900 мм. Эшикларни тайёрлашда юқори сифатга эга бўлган ёғочлар ишлатилган.

Бинонинг ички эшиклари

5-расм



Тарзни ташқи пардозлаш. Деворлар – сувоқ қилиниб, усти оқ ва кўк рангли алькафон билан қопланган. Ташқи витражлар қора рангли ойнадан иборат.

Ички пардозлаш. Хоналар, йўлаклар, вестибюль қисмлари, зиналар ва бошқалар шиплари кнауф гипсокартонларидан ишланади. Сан .узелларга керамик плиткалар қилинади. Коридорлар, вестибюль деворлари мукаммаллаштирилган елимловчи таркиблар билан пардозланади. Устунлар ҳам худди деворлардек пардозланади.

“МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ” бўлими

Меҳнат хавфсизлигининг замонавий қурилишдаги вазифаси ишчи ва хизматчиларнинг яшаши ва меҳнат жараёнида соғлигини сақлаш, яъни касбий касалликлар, тасодифий жароҳатланиш каби бахтсиз ходисаларни олдини олишдан иборат.

Қурилишда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш комплекс чоратадбирлардан иборат бўлиб, марказий масалалардан ҳисобланади. Меҳнат хавфсизлиги хизматини бевосита амалда бу хизматни ташкил етиш учун унинг ёрдамчиси ва асосий мутасадди шахс сифатида техника хавфсизлиги бўйича муҳандис тайинланади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий мақсади фуқароларнинг ҳаётини фаолияти давомида бевақт шикастланишидан ва касбий касалликка дучор бўлишдан ва бошқа нохуш ҳолатларни юзага келишини олдини олиш иборат.

ХIII чақирик X сессиясида тасдиқланган янги бош Қомусимизда Ўзбекистон фуқароларига, ўзларига маъқул ва жамиятга фойдали бўлган меҳнат билан шуғулланиши, ҳунар ўрганиш, илм олиш, ижод қилиш, дам олиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, даволаниш ва бошқа ҳуқуқлар кафолатлангандир.

Қурилишда санитария ва меҳнат гигиенаси

Марғилон шаҳри иқлими континенталдир. Зарарли меҳнат шароитининг сурункали таъсиридан киши саломатлиги секин-аста ёмонлашиб бораверади (кўриш ва эшитиш қобилиятини пасайиши, титрок касали, рухий толиқиш ва хоказо). Бунинг натижасида одамнинг ижобий меҳнат қилиш қобилияти қисман ёки буткул йўқолиб боради. Бу ҳол касб касаллиги деб юритилади. Ишчиларнинг соғлиги бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига меҳнат шароити, иқлим шароити, иш жойидаги зарарли шовқин ва тебранишлар, ёруғликнинг етишмаслиги, зарарли чанг ва газларнинг меъёридан ошиб кетганлиги ва бошқалар киради.

Буларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирни белгилашда дастлаб ҳудудни иқлим кўрсаткичларини ҳисобга олиш лозим. Қурилишда ишчиларнинг меҳнат фаолиятини яхшилаш учун керакли шарт-шароитлар

яратилиши ва ҳар бир ишчи тиббӣ кўриқдан ўтган бўлиши керак. Лойиҳада биз кўпроқ ҳудуднинг тозалик ҳолатига эътибор бериб, имкон қадар тоза ва озода санитар ҳолатини ташкил этишга ҳаракат қилдик.

Қурилишда тунги ишлар ташкил этилганда қурилиш майдони етарли сунъий ёруғлик билан таъминланиши зарур. Булардан ташқари тиббӣ ёрдам кўрсатиш бурчаги, омборхоналар, муҳандислик хонаси, майдонга кириш ва ундан чиқиш йуллари, ховуз ва ёнгинга қарши хавфсизлик бурчаги, кўтарма қран ва унинг йул атрофини чегараловчи тўсиқлар, хавфли муҳит чегарасини билдирувчи панжаравий тўсиқ, қурилиш ашёлари сақланадиган очик ва ёпик омборлар санитария қурилиш меъёрларига риоя қилинган ҳолда таъминланган.

Супермаркет биносини жойлаштирилган ер майдони шамол йуналиши ғарбдан шарқга эсиши инобатга олинган. Шу сабабли супермаркет биноси бош тарзи шимоли ғарб томонга қаратилиб лойиҳаланган. Бинонинг ичида эксплуатация даврида санитария ҳолатига катта эътибор берилган. Ҳаво тозалигини автоматик назорат қилиш жорий этилган. Заҳарли ва зарарли кимёвий моддаларни ютиш қобилиятига эга бўлган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Бинонинг қурилиш мосламаларини режа асосида ҳар хил оксидловчи моддалар билан тез-тез қайта ишлаб турилади. Қўл меҳнати талаб қилинадиган жараёнлар механизациялаштирилган бўлиб замонавий асбоб ускуналар қўлланилган. Шунингдек ишчиларнинг соғлиғини ҳимоя қиладиган кийимлар ва якка тартибдаги ҳимояланиш воситаларидан фойдаланилган ҳамда тозаловчи ва юувчи моддалар кенг қўлланилган.

Қурилиш жараёнларида меҳнат хавфсизлиги

Қурилиш майдонида иш бошлашдан 3 ой олдин буюртмачи томонидан бош пудрат ташкилотига барча қурилиш лойиҳалари тўлиқ ишланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Бу лойиҳалар таркибида уларнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари бўлмоғи шарт ва уларда хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳозирги замон талабларига

жавоб бера оладиган холда тўлиқ акс эттирилган.

Меҳнатни муҳофаза қилишда зарур булган тадбир-чоралар лойиҳалаш даврида икки босқичда ҳал этилади:

Биринчи босқич – лойиҳалаш даврида қурилишни ташкил (КТҚ) лойиҳасини тузиш, яъни қурилишдаги ялпи ишлар кетма-кетлигини ва умумий хавфсизликни таъминловчи тадбирлардан иборат;

Иккинчи босқич – қурилиш чоғида сурункали давом этадиган ишларни бажариш жараёнида хавфсизликни таъминлайдиган ишни бажариш лойиҳасини тузишдан иборатдир.

Меҳнат хавфсизлиги дастлаб лойиҳани тузувчи ташкилот томонидан қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида, бош пудратчи ташкилот томонидан эса ишни ташкил қилиш лойиҳаларида акс эттирилади. Бу лойиҳаларда қуриладиган жаъми масалалар учта, яъни умуммайдон хавфсизлиги, тартибод жараёнидаги хавфсизлик ва махсус масалалардир. Умуммайдон масалалари қурилиш бош режасида кўрилиб, майдонни танлаш, текислаш, сатҳини белгилаш ва девор билан тўсиш, одамлар ва машина-механизмлар учун кириш ва чиқиш йўлларини белгилаш, ишчилар ва раҳбар муҳандислар учун зарур бўлган барча ёрдамчи иншоотларни, яъни ечиниб-кийиниш, овқатланиш ва ювиниш хоналари санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилади, вақтинчалик фойдаланиш учун электр тармоғи, иссиқ ва совуқ сув, ҳамда оқава сув узатгич тармоқлари, алоқа ва радио тармоқлари каби иншоотларни аниқ ҳисоблар асосида тўғри жойлаштиришни ўз ичига олади.

Қурилиш жараёнини ифодаловчи иккинчи масала тартибот ва меҳнат жараёни хариталарида ўз ечимини топади, унда ишчининг саломатлигини ҳимоя қилиш борасида аниқ ҳисобларга асосланган ва маҳаллий иш шароитларини инобатга олган муҳандислик мулоҳазалари ўзини ягона ва аниқ ечимини топган бўлиши лозим.

Қурилишнинг бош тархи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари ичида энг асосийси ҳисобланади. Бу лойиҳасиз қурилиш майдонида иш юритиш

қатъиян ман этилади.

Ишларни режали ва хавф-хатарсиз олиб борилиши, бош тархдаги хавфсизлик тадбирлари қай даражада ҳал қилинганлигига ва шу билан бирга маҳаллий муҳит ва иқлим шароитлари қанчалик тўлиқ ҳисобга олинганлигига бевосита боғлиқдир. Қурилиш бош тархида меҳнат муҳофазасининг техникавий ва ташкилий мажмуаси ҳал қилинади.

Марғилон шаҳридаги супермаркет лойиҳасида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда жамоат яъни, “Супермаркет” биносини лойиҳасида ёнғинга қарши тадбирлар инобатга олинган. Бунга кўра бино атрофида ўт ўчириш машиналари ҳаракатланиши учун йўллар ётқизилган. Ёнғин хавфсизлиги нормаларига биноан хоналардан чиқиш эшиклари ташқарига очилади.

Эвакуация йўллари

Диплом лойиҳа ишимда тақлиф этилган Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчасида қурилиши мўлжалланган супермаркет биноси лойиҳасида қаватдан чиқувчилар сони ва зинапоя бўлмалари ёнғин хавфи бўйича биноларни классификациясини ҳисобга олган ҳолда жами 7 та ШНК 2.01.02-04 га мувофиқ лойиҳалаштирилган. Бинодан чиқиш учун тўрт тарафлама чиқиш йўли таъминланган.

Бинонинг марказидан эвакуацион эшикларгача бўлган масофа оралиғи 51 метр. Битта зинапоя (марш) ёки сатхлар фарқида кўтаришлар (поғаналар) сони 3 тадан кам бўлмаслиги ҳамда 18 тадан кўп бўлмаслиги керак. Шунга амал қилинган ҳолда диплом лойиҳамда энг кўпида 3 та маршда 15 та зина ва эскалаторлар лойиҳалаштирилди.

Зинапоялар (маршлар) ни эни 2,50 метр ва йўлаклари 2.40 метр қилиб лойиҳаланган. Зина тўсиқлари 0.9 метр баландликда олинган. Бинонинг асосий фасад қисми витраж мустаҳкам ойналар билан копланган. Витражнинг баландлиги полда ҳисоблаганда 10.35 м .

Лойиҳаланаётган бино сокол қават билан бирга 4 қаватли бўлиб, сокол қаватида: юклаш хонаси, омборхоналар, совутиш камералари, ишчи ва

хизматчилар учун гардероблар, автомобил тўхтаб туриш жойлари; 1-қаватда савдо заллари ва магазинлари, дорихона, тамбур, хол, директор хонаси, ишчилар дам олиш хонаси, реторан, идиш-товоқлар ювиш хонаси, йўлаклар, санузеллар;. 2-қаватда эса кафе-бар, қишки ва ёзги кийимлар сотиш дўкони, кийим алмаштириш хонаси, ғазна, қоровул хонаси, хужжатлар сақлаш сейфи, ходимлар учун душ хонаси, дам олиш хонаси, мажлислар зали, директор ўринбосари хонаси; 3-қаватда турли моллар дўкони, бовлинг, кафе-бар, 3D кинотеатр хонаси, ғазна, техник хизмат хонаси, 5D кинотеатр хонаси, дам оловчилар учун хожатхона, билирд ўйнаш хоналари мавжуд.

Ёнғин хавфсизлиги

Бино ва иншоотларда портлаш ҳодисалари кўпроқ қуйидаги сабабларга кўра содир бўлади:

- ёнғин хавфсизлиги қоида ва меъёрлари талабларини қўпол равишда бузилиши;
- иссиқлик узатиш, шамоллатиш тизимларини ва электр тармоқларини нотўғри ўрнатиш;
- бузук ҳолдаги технологик ва электр ускуналарини ишлатиш;
- ёнувчи ва портловчи моддаларни омборларда сақлаш;
- ёнғин даракчилари ва автоматик ўт ўчириш тизимининг бузуклиги;
- ёнғин хавфсизлиги бўйича малакали назоратнинг йўқлиги.

Мана шундай сабаблар ёнғин ва портлашни келтириб чиқаради. Бундай катта талофотлар инсонларни жароҳатланишига ва баъзида ўлимга сабаб бўлади. Шунинг учун ёнғинни олдини олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Инсонлар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида, бинонинг кириш қисмига ҳам зина қурилади. Бу зина уларни тезроқ хавфсиз жойга ўтишлари, яъни бинони тезроқ тарк этишларига ёрдам беради.

“ИҚТИСОД” бўлими

Ўзбекистонда капитал қурилишнинг ривожланиши ва соҳага инвестицияларни жалб қилишнинг қўшимча шарт-шароитлари

Мамлакатмизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бевосита иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини жадал ривожланишида ҳам ўз аксини топмоқда. 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳолининг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Республиканинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Ўзбекистонда таълим-тарбия масканларини қуриш, реконструкциялаш ва таъмирлашга ҳамда жиҳозлашга ҳам эътибор кучаймоқда. Ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда. Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ. Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Фарғона вилоятида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, кенг қўламда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йилнинг 17 январида Ҳукумат мажлисида иқтисодиётнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари барча соҳаларини юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлашга қаратилганлиги белгиланган.

Вилоят иқтисодиёт бошқармаси маълумотларига кўра, 2012 йилда

барча соҳада юқори ўсиш суръатларига эришилди, жумладан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 101,3 %, қурилиш ишлари 109 %, жами хизматлар 117,5 %га ортган.

Фарғона вилоятида 2012 йил якунида вилоятда барча манбаалар ҳисобидан 1382,1 млрд. сўмлик маблағлар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,4 фоизга ўсди. Жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан 206,3 млрд. сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 118,9 млрд. сўм, корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан 321,5 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан (якка тартиб уй-жой қурилиши, ичимлик сув ва табиий газ тармоқларини қурилиши ва бошқалар) 281,1 млрд. сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 284,5 млрд. сўм ҳамда чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 169,8 млрд.сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида янги қувватларни ташкил этиш, модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобига 40 та корхона фойдаланишга топширилиб, 158,3 млрд сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда 122,5 млрд. сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари яратилди. Инвестициялар Дастурига асосан 2012 йилда вилоят бўйича 19 та лойиҳаларга жами 50 млн.сўм ва 66,8 млн.доллар миқдорида маблағлар ўзлаштирилиши ҳамда 1651 та янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилгани ҳолда 600 млн.сўм ва 83,4 млн.доллар (шундан 40,1 млн доллар ҳамда 200 млн. сўм қурилиш монтаж ишларига, 34,5 минг доллар ва 400 млн. сўм жиҳозларни сотиб олиш учун ва бошқа харажатларга 8,8 млн.доллар) маблағ ўзлаштирилди. Натижада 8 та объект фойдаланишга топширилиб 532 та янги ишчи ўринлар яратилди.

2012 йил «Манзилий дастур»га асосан 222 та объектга 82,2 млрд.сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, шундан қурилиш-монтаж ишларига 78,2 млрд.сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Ҳисобот даврида 81,5 млрд. сўмлик ёки йиллик лимитга нисбатан 99,1 фоизга маблағлар ўзлаштирилди.

Реконструкция, мукаммал таъмирлаш, ўқув муассасалари ҳамда

соғлиқни сақлаш объектларини жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан 2012 йилда 3 та (900 ўқувчи ўринли) касб-хунар коллежларни янгидан қурилишига 6420,5 млн.сўм ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 6575,2 млн.сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиб, 3 та (900 ўқувчи ўринли) касб-хунар коллежлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу билан биргаликда 1 та касб-хунар коллежига устахонани қурилишига 566,3 млн. сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 593,9 млн.сўм маблағ ўзлаштирилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари 6 та (5465 ўқувчи ўринли) касб-хунар коллежларни мукамал таъмирлаш учун 2950,5 млн.сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 3057,2 млн.сўм маблағ ўзлаштирилиб, 6 та (5465 ўқувчи ўринли) касб-хунар коллежлар мукамал таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Пудрат ишлари. 2012 йил якунига бажарилган пудрат ишлари ҳажми 808,1 млрд. сўмдан иборат бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги ПҚ–1403 сонли қарорига мувофиқ 2012 йилда вилоят бўйича 29 та массивда 700 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига 70 млрд сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг январ–декабр ойлари давомида 57,3 млрд.сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди ва 94,6 минг кв.м.га 700 та уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда жами рўйхатдан ўтган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 105 тани (шу жумладан 82 та қўшма корхона, 23 та хорижий корхона) ташкил этиб, бу корхоналардан 97 таси фаолият кўрсатиб келмоқда. Рўйхатга олинган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар жаҳоннинг 27 та давлат хорижий инвесторлари билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Бу корхоналарни ташкил этилиши ҳисобига жами 1324,4 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди, янги ташкил этилган қўшма корхоналарда 597 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Лойиҳа объектининг шартномавий баҳосини аниқлаш

Қурилишда маҳсулот нарҳини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ушбу тармоқ корхоналарининг ва маҳсулотининг ўз хусусиятига эга бўлиб, у ҳам бўлса қурилиш маҳсулотини яқка характерга эга эканлиги, узок муддатли асосий фондлар яратилиши, ишлаб чиқаришни очик шаклда олиб борилиши ва қурилиш корхоналарини буюртма асосида ишлашидан иборат. Қурилиш маҳсулотига нарх ҳар бир объектни нархи билан аниқланади, бу эса шу қурилишнинг техник ва ишчи лойиҳаси асосида тузилган смета қийматига тенг. Смета – қурилиш ишларини олиб боришдаги уни лойиҳалашдан буюртмачига топширгунга қадар сарфланадиган барча харажатларнинг йиғиндисидир. Унда қурилишга кетадиган ҳамма харажатлар кўрсатилади. Қурилишнинг смета қиймати бир хил пайтда ҳар-хил аниқланади. Масалан, бирор шаҳарда бир лойиҳа бўйича бир неча иншоот қурилса, уларнинг смета қиймати ҳар хил бўлади. Чунки бу иншоотлар архитектураси шу иншоот қурилган туманнинг географик иқтисодий шароити, қурилишга сарфланадиган маҳсулотнинг таъминот тури, жиҳозланиши ва бошқалари билан фарқланади. Қурилишда, асосан, нархнинг ўзи эмас, балки нормативлар бўйича тарифлар белгиланади. Шу нормативлар асосида кўрилаётган иншоотнинг нархи аниқланади. Шунинг учун смета қийматининг асосида мажбурий смета нормалари гавдаланади.

Лойиҳаланаётган супермаркет биносининг қурилиш қийматини аниқлашда амалдаги ҳукукий-меъёрий хужжатлардан фойдаланилади. Лойиҳа объектининг смета қийматини аниқлаш ҳисоб-китоблари қуйидаги 2-жадвалда берилган.

Дастлаб, бино учун сарфланадиган меҳант ресурсларининг миқдорий кўрсаткичлари аниқланади. Лойиҳаланаётган бино учун бу кўрсаткич қурилиш даври учун 26351 киши/соатни ташкил этади. Шундан сўнг, ишчиларни ойлик иш вақти фонди ва ўртача ойлик ҳисобидан иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатларининг умумий қиймати 1 млрд. 279 млн. 341 минг сўм, шундан ижтимоий суғурта харажатлари 319 млн.сўмни ташкил

этади. Объектни қурилишида жалб этиладиган машина ва қурилиш механизмларининг умумий харажатлари қарийб 400 млн.сўмни ташкил этади.

Қурилиш материаллари ва конструкцияларига харажатларнинг умумий суммаси 2 млрд. 651 млн. сўмни, ташиш харажатлари ушбу сумманинг 5 фоизини ёки 132,57 млн. сўмни ташкил этиши режаланган.

Мазкур объектни қурилишида асосий сарф-харажатлар яна бири хонадонларни жиҳозлаш бўйича сотиб олинadиган моддий қийматликлар бўлиб, уларга 800 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Умумий ҳолда қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш бўйича жами харажатлар ҚҚСни ҳисобга олмаганда 6 миллиард 968 миллион 274 минг сўмни ташкил этади.

**Б.Марғилоний кўчасида қурилиши мўлжалланган супермаркет
биносининг қурилиш қийматини аниқлаш жадвали**

2-жадвал

Т/р	Харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	Қиймати (минг сўмда)
1	Объектнинг умумий меҳнат харажатлари	киши/соат	26351
2	Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи	сум/ой	825,46
3	Ишчиларнинг ўртача ойлик иш вақти фонди	соат	170
4	Ягона ижтимоий тўлов ставкаси	фоиз	25
5	Қурилиш ишчиларининг ўртача иш ҳақи	сўм	1279341
6	Ягона ижтимоий тўлов суммаси	сўм	319835
7	Жами иш ҳақи харажатлари	сўм	1599176
8	Қурилиш машина ва механизмлари харажатлари	сўм	398 650
9	Қурилиш хом-ашёси, материаллари ва конструкцияларига харажатлар	сўм	2 651 420
10	Материал ва қурилиш конструкцияларини ташиш харажатлари, 5%	сўм	132 571
11	Тайёрлов-омбор харажатлари, 2%	сўм	53 028
12	Жиҳозлар, мебель ва инвентарларга харажатлар	сўм	800 640

2-жадвал давоми			
13	Жиҳоз, мебель ва б.ларни ташиш харажатлари, 2%	сўм	16 013
14	Жами	сўм	5 651 499
15	Таваккалчилик бўйича захира	сўм	56 515
16	Пудратчининг бевосита бошқа харажатлари ва сарфлари	сўм	1 469 390
17	Объектни суғурта харажатлари (қурилиш объекти таннархининг 80 фоизидан 0,4 фоиз)	сўм	180 848
18	Қурилиш монтаж ишлари қиймати (ҚҚС сиз)	сўм	6 968 274
19	ҚҚС	сўм	1 393 655
Қурилиш монтаж ишлари қиймати (ҚҚС билан)		сўм	8 361 929

Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчасида қурилиши мўлжалланган супермаркет биносининг шартномавий эркин баҳоси 8 миллиард 361 миллион 929 минг сўмни ташкил этди. Қурилиш муддатидини ҳисобга олган ҳолда мазкур бинонинг шартномавий нархи инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкинлиги ўзаро келишилади.

ХУЛОСА

Менга Қурилиш факультети “Архитектура” кафедраси томонидан берилган топшириғига асосан “Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчасида қурилиши мўлжалланган супермаркет биноси”ни лойиҳалаш мавзусидаги диплом лойиҳа иши берилган. Диплом лойиҳа ишини бажариш жараёнида мен ўқиш даврида олган назарий билимларимни амалиётга қўлладим, олган билимларимга таянган ҳолда конкрет мавзудаги лойиҳани амалга оширишни ўргандим.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби меъморчиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Меъморларимиз Республикамизнинг барча фуқаролари қатори, тарихда оламшумул воқеа — халқимизнинг сиёсий эркинликка эришган ва мустақил давлат барпо этган ҳозирги даврни мамнуният билан қарши олиб, ундан илҳомланиб ижод қилмоқдалар.

Ҳозирги даврда осмон ўпар бинолар, ҳар хил маданий боғлар, ёшлар марказлари қурилмоқда. Шулар қаторида бугунги кун талабларига жавоб берадиган супермаркет биноларига бўлган талаб ҳам кундан кунга ортиб бормоқда. Мен лойиҳалаган супермаркет биноси нафақат савдо-сотик орқали, балки болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли кўнгил очар ўйин ва тадбирлар ўтказиш мумкинлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки супермаркет бинолари аҳолига ва шаҳар меҳмонларига юқори даражада хизмат кўрсатиши, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсонларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, трикотаж ҳамда, кийим-кечакларни таклиф қилади.

Шу сабабли мен диплом лойиҳа ишим учун танлаган Марғилон шаҳрида супермаркет биноси нафақат шаҳар марказларида, балки Республикамизнинг барча чекка туманларида, барча қишлоқларида қурилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Мен ўз лойиҳамни замонавий услубда лойиҳаладим. Бино ўзининг чиройи ва замонавийлиги билан кишиларни ўзига жалб қилади.

Мустақил равишда лойиҳани бажариш жараёнида кўплаб илмий-

техник адабиётлар билан танишдим, назарий билимларимни амалда қўллаб тажрибамни оширдим. Шунинг билан биргаликда, бакалавриатда олган билимларим фақат бошланғич база эканлигини, келгусида етук мутахассис бўлиб етишишим учун ҳам назарий билимларимни бойитишим, ҳамда амалий тажрибага эга бўлишим кераклигини тушуниб етдим.

Мен келгуси фаолиятимда олган билимларимни амалиётда қўллашга, ўз устимда тинимсиз ишлашга ва самарали меҳнатим билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга вада бераман.

Адабиётлар рўйхати ва интернет манбалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ3240 сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Фармони // Халқ сўзи, 2003 й. 6 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрдаги 463-сонли “Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Т.:Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2004
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
4. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Фарғона ҳақиқати. 2013 йил 23 январ, 6 сон.
5. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаси. –Т.:Ўзбекистон, 2012.– 36 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон,2010.–53б.
7. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Туркистон. 2014 йил 18 январ, 5-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2009
9. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик Кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 2002
10. ШНҚ 4.01.16–09. «Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари”. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 2009
11. ШНҚ 4.01.01–04. “Қурилишда нарх шакллантириш учун смета

норматив хужжатлар тизими” Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 2004

12. ШНҚ 4.03.01-04. «Қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш смета-ресурс меъёрлари тўплами». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 2004

13. КМК 2.01.03-96. «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш.». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 1996

14. КМК 2.01.03.10-95. «Томлар ва том қопламалари». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 1995

15. КМК 2.01.01-96. «Лойиҳалашда иқлим ва физик-геологик маълумотлар». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 1996

16. КМК 2.03.13-97. «Поллар». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 1997

17. КМК 2.02.02-98. «Жамоат бинолари». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 1998

18. КМК 2.07.01-94. «Шаҳарсозлик». Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. –Тошкент, 1994

19. Х. Азимов «Қурилишда меҳнат хавфсизлиги»

20. Н.Д.Золотницкий «Охрана труда в строительстве». 1978г.

21. П.А.Долин «Справочник по технике безопасности». М.,1982г.

22. СН-245-71 «Санитарные нормы». М.,1972г.

23. Методические указания по выполнению раздела «БЖД и Охрана труда» выпускных работ для бакалавров всех специальностей Архитектурно-строительного направления. Т.,2009г.

24. ШНҚ.2.01.02-04. Пожаробезопасность здания и сооружений. Т.,2004г.

25. М.В.Данилов «Пожарная тактика». М.,1969г.

26. М.Я.Ройтман «Основы противопожарного нормирования в строительстве». М.,1969г.

27. Манфред А. Экономика строительного производства.–М.: Экономика,1997
28. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2001
29. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма - Т.: Шарқ, 2003
30. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений. Учебное пособие. –М.: 2007
31. Убайдуллаев Х.М., Инагамова М.М. “Турар жой ва жамоат биноаларининг асосий типологиялари”: Ўқув қўлланма - Тошкент, 2009
32. Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари.Фарғона иқтисодиёт Бошқармаси статистик маълумотлар тўплами. – Фарғона, 2013

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг сайти
2. www.gkas.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси сайти
3. www.stroyinfo.uz – Ўзбекистон Республикаси капитал қурилишда иқтисодий ислоҳатлар ва нархларни шакллантириш маркази
4. www.mineconomy.cc.uz – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги сайти
5. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси сайти
6. www.google.ru
7. www.yandex.ru